



APPLICATION OF THE CONCEPT OF "EYE" IN ORAL SPEECH

Rahmonova Iroda
FarDU Teacher

Abstract

One of the key terms of modern cognitive linguistics and linguoculturology is the concept. It has been attracting the attention of those interested in the problems of human thinking and construction. Analyzing the different views on the nature of the concept, the scientists came to a clear conclusion: the concept is not a type of abstract names, but the main angle of study of knowledge and skills accumulated by the people over the centuries. Recently, the number of scientific studies devoted to the study of the concept is growing. In modern linguistics, the study of the nature of a concept plays a primary role. The point is that there is a concept, but at the present time it is one of the problems awaiting its study. More about this source textSource text required for additional translation information

“Сўз” концептининг оғзаки нутқда қўлланилиши

Раҳмонова Ирода
ФарДУ ўқитувчиси

Замонавий когнитив тилшуносликнинг ва лингвокультурологиянинг асосий атамаларидан бири бу-концептдир. У инсоннинг тафаккур хусусиятлари ва қурилиши билан боғлиқ муаммолар билан қизиқувчиларнинг диққатини ўзига тортиб келмоқда. Концепт табиати ҳақидаги турли қарашларни таҳлил қилар эканлар, олимлар аниқ бир хулосага келдилар: концепт – бу абстракт номлар тури эмас, халқ томонидан асрлар мобайнида тўпланиб келинган билим ва малакаларни, уларни ўрганиб чиқишнинг асосий ракурси. Охирги вақтларда концептни ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар сони ўсиб бормоқда. Замонавий тилшуносликда концепт табиатини тадқиқ қилиш биринчи даражали муҳим роль ўйнайди. Масала шундаки, концепт тушунчаси мавжуд, аммо, ҳозирги даврда у ўз тадқиқини кутаётган муаммолардан биридир.

“Концепт” атамаси тилшуносликда ҳам янги ҳам эски атама ҳисобланади. Ҳозирда тилшуносликда концепт тушунчасига жуда катта эътибор берилиб келмоқда. Анъанавий тилшуносликда концепт атамаси ўзгача чуқур изоҳлар талаб қиладиган муаммо сифатида қараларди. Концепт тушунчасининг луғавий маъноси устида кўпгина авторлар ҳар хил фикрларни билдиришади. Унга мантиқий категория, амалий фалсафа тушунчаси, миллий менталитетнинг асосий бирлиги сифатида қарайдиганлар ҳам бор. Когнитив атамалар луғатида “концепт” атамасига қуйидагича таъриф беради: “Концепт” атамаси замонавий тилшуносликда у ёки бу лексик бирликнинг тафаккурдаги образини ифодалаш учун қўлланилади. Кундалик илмий ижодда тез-тез концепт атамаси тушунча билан синоним сифатида қўлланилади. “Концепт”-лотинча “conceptus” сўзидан олинган бўлиб, тушунча маъносини билдиради.



“Концепт” тушунчалар йиғиндисидар. Масалан, бирор предмет ҳақида айтилган ёки билдирилган ҳар қандай фикрлар йиғиндиси концептни ташкил этувчилардир. Концепт тушунчаси дунёни билиш билан чамбарчас боғлиқ, чунки дунёдаги нарса ҳодисаларнинг белги хусусиятларини англаш даражаси тилда ўзига хос тарзда акс этади ва ҳар бир халқнинг маданияти, урф одати, атроф муҳит ўз ифодасини топади.

Ҳар бир тил дунёни ўзича тасаввур этади. Бошқача айтганда, ҳар бир тил ўзининг концептуализация усулига эга. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ҳар бир тилда дунёни кўриш ва тасаввур этишнинг ўзига хос тарзи мавжуд. Тил эгаси ўзи ифодалаётган жумла мазмунини шу халққа хос бўлган дунёни кўриш тарзига мувофиқлаштиради. Тилнинг ўзига хослиги тил эгаси онгида тил воситалар орқали дунёни кўриш ва уни ифодалаш имконини беради. Бу ҳодисаларнинг барчаси сўзларнинг семантик структурасида ҳам намоён бўлади. Тил воситалари орқали дунёни кўриш инсоннинг дунёга бўлган муносабатини шакллантиради.

Кейинги пайтларда бизнинг Республикамизда ҳам ушбу мавзуга бағишланган тадқиқот ишлари кўпайиб бормоқда. Қуйида инглиз ва ўзбек тилларидаги маданият билан боғлиқ бўлган ва тафаккурда ўз аксини топган концептлардан бири “сўз” концептининг айрим хусусиятлари таҳлил қилинади. Дастлаб инглиз, рус ва ўзбек тилларининг изоҳли луғатларида берилган “Сўз” ҳақидаги маълумотларни умумлаштирадиган бўлсак, “инсон нутқининг маъно ифодаловчи энг кичик бўлаги” деган таърифни ўқиб олиш мумкин. Аслида эса, сўз деган воқеълик ҳақида жилдлаб китоблар ёзиш мумкин. Энг аввало, бандаларига сўз орқали ўз таълимотларини юборган қодир Худодир. Қайси давр, қайси тил, қайси қавмга бўлишидан қатъий назар, илоҳий қонун қоидалар инсониятга айнан сўз воситасида- саҳифалар, китоблар шаклида юборилган. Сўз ҳақиқат, илмнинг элчиси, уларга етиш йўлида етакчидир. Зеро, илмнинг нозик жиҳатларини, маълум бўлмаган қирраларини айнан сўз орқали идрок этамиз.

Сўз инсоннинг ердан кўклар сари юксалтирувчи омилдир. Дунёда катта мавқе ва обрўга эга бўлган ҳар қандай инсоннинг ҳаётини, фаолиятини таҳлил қилиб кўрилса, албатта уларнинг шу даражага етишида сўзнинг ўрни катта эканлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари “сўз” инсонни тубсиз тубанликка ташловчи аёвсиз қуролдир. Дунёга вайроналик ва қирғинбарот келтирган ёвуз шахслар ҳам, инсонларнинг онгини заҳарловчи ва уларни залолат сари бошловчилар ҳам ўз мақсадларига айнан сўз орқали сўз воситасида эришганлар.

Ҳар бир халқ асрлар давомида катта ҳаётий тажриба тўплайди, шу тажрибани турли воситалар билан жумладан “сўз”лар орқали келажак авлодга мерос қилиб қолдиради. Мақол ва ҳикматли сўзлар ҳам ана шундай бебаҳо меросимиз ҳисобланади. Мақолларнинг ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятига улуғ адиб Лев Толстой ҳам жуда катта баҳо бериб: “Ҳар бир мақолда шу мақолни яратган халқнинг сиймоси кўринади” дея эътироф этган. Дарҳақиқат, мақолларда халқнинг қомусий билими, теран нигоҳи ўз ифодасини топган.

Тил ҳам, фикр ҳам ҳаётнинг онгимиздаги кўриниши ва нутқ ёрдамида бошқаларга маълум қилиниш воситасидир. Ҳар ким ўз қобилияти, сўз бойлиги, саводи ҳамда нутқига қараб гап



тузади. Нутқ эса ана шу алоқа жараёнини амалга оширишга хизмат қилади. Тилнинг умри узок, нутқнинг умри эса қисқа бўлади. Оғиздан сўз ёки гап чиқдими – учади кетади. Шунинг учун нутқ олдида ниҳоятда улуғ бир талаб қўйилади: ўйнаб гапирасанг ҳам, ўйлаб гапир. Навоий айтгандек: “Сўзингни буюк этсанг, ўзинга буюклик келтирасан”. Тилнинг қонун-қоидалари узок йиллар давомида сақланиб қолади, силлиқлашади ва бойиб боради. Нутқ эса, доим ўзгаришда бўлади; вазиятга ёки нутқ аъзолари фаолиятига қараб сўзнинг товуш томони ўзгаради. Нутқ сўзловчининг савиясига, услубига, ўрин ва мавқеиёига қараб ҳар хил бўлади. Нутқимиздан суҳбатларда, маърузаларда, телефон, уй-оила муомаласида фойдаланилади. Сўзни тўғри қўллаш ундаги товушларни тўғри ва аниқ талаффуз қилиш, гапда сўзларни тартиб билан жойлаш кабилар воситасида фикрнинг тушунарли бўлишига эришамиз. Аниқлик, тўғрилиқ, раволик, соддалик, тозалик, жозоба (таъсирли сўзлаш) кучи ҳар қандай нутқнинг энг муҳим белгиларидир. Қўшимчалардан тўғри фойдаланиш, сўзларни тўғри боғлаш, такрор ва кераксиз ифодадан қочиш нутқимизни янада жозибадор қилади. Тилнинг нозик тасвирий воситаларини ўзлаштириш, унинг ранг-баранг услуб жилоларидан фойдалана билиш инсон учун муҳим аҳамиятга эга. Сўзлашув нутқида она тилидаги бир имкониятлардан фойдаланилса ҳам, ҳар бир тоифанинг нутқида ўзига хослик сезилади: олимларнинг суҳбати билан ишчи, хизматчи, деҳқоннинг сўзлашувида фарқ бўлади. Ҳатто эркак-аёллар сўзлашуви ўртасида ҳам баъзи фарқлар бўлади. Оғзаки сўзлашув услуби грамматик қурилиши содда, қисқа, мазмунан таъсирчан бўлади. Бунда ҳалқ мақол ва масаллари, ривоят ва эртаклар, латифа ва қўшиқлар, сўз ўйинлари-пичинглар, ҳазил мутойибалар, аския ва қочиримлар муҳим манбаа саналади. Жонли нутқ жараёнида, услубий бўёқ ибораларидан (Онагинанг ўргилсин! Қоқиндиғинг бўлай!) кенг фойдаланилади. Жонли сўзлашув нутқида “хом” ибора ва гаплар ҳам учрайди. Баъзан бундай қатламлар бадий асарлардан ҳам ўрин олади. Ҳар холда ҳамма тоифа кишиларнинг суҳбати, сўз ва гаплари тушунарли бўлади. Чунки умум истеъмолдаги сўз, ибора ва жумлалардан фойдаланилади.